АРХИЁН ЖАНГИНИНГ БОБУР ТАҚДИРИДАГИ ЎРНИ

Тоҳиржон Қозоқов
Турон халқаро университети доценти
тарих фанлари номзоди
Ёзувчи ва тарихчиларнинг халқаро уюшмаси аъзоси
Халқаро “Турон бирлиги” медали ҳамда
Амир Темур кўкрак нишонлари соҳиби
qozoqov69@mail.ru
https://doi.org/10.5281/zenodo.7729644

Аннотация: Ушбу мақолада “Бобурнома” ва бошқа тарихий асарларда номи келтирилган Архиён қалъаси, XX асрнинг 60-70 йилларидаги илмий адабиётларда унинг жойлашган ўрни масаласида чалкашликларга йўл қўйилганлиги, Архиён жангининг Бобур ҳаётидаги ўрни ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Архиён, Бобур, Шайбонийхон, Аҳмад Танбал, дарё, Султон Аҳмадхон, қўшин, Тўрақўрғон, Ғойибназар қози мадрасаси, масофа, йиғоч, фарсанг, илмий асар, Бадсолур, Ахси.

THE ROLE OF THE BATTLE OF ARCHION IN THE FATE OF BABUR

Tahirjon Kazakov
Associate Professor of Turon International University,
PhD in history. Member of the International
Union of Writers and Historians
The holder of the international "Unity of Turan"
medal and Amir Temur badges

Цивилизациялар тарихи – шаҳарлар тарихига оид
атамаларда берилган бўлиши мумкин.
Луис Вирт

Тарихий жой номларининг тикланиши айни пайтда тарихий ҳақиқатнинг тикланиши ҳамдир. Тарихнинг турли даврларида жой номлари ўзгариб туриши ҳам мумкин. Бугунги кун муаррихларининг вазифалари ана шу тарихий жой номларини асосли тиклаш ва шу асосда ҳаққоний тарихни ёритишдан иборатдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий манбаларимиз, қўлёзмаларимизни бугунги имлога ўгиришда ҳам масъулиятли бўлиш талаб этилади. Бу борадаги

эътиборсизлик тарихий йўллар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли масканларининг ўрнини аниқлашда муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, “Бобурнома”да “Бандсолур” йўли ҳақида фикр билдирилган. Яъни, бу йўл Ахси ва Андижон орасида эканлиги, масофаси 9 йиғоч эканлиги ва ҳ.з.

“Бобурнома”да берилган “Йиғоч” [4:8] (یغاچ) [17:6] узунлик ўлчов бирлигини Исҳоқхон Ибрат “Тош” [18], деб атайди. Айнан “йиғоч”ни “Бобурнома”нинг XVI асрда Акбаршоҳ даврида Бош вазир бўлиб ишлаган Байрамхоннинг ўғли Абдураҳмон томонидан форс тилига ўгирилган таржимасида “фарсанг” (فرسنگ), деб атайди [16:4]. “...Андижондин Ғарб тарафинда тўққиз тош йўлдур...” [18]. бундан йиғоч, фарсанг ва тош ўлчов бирликлари бир хил қийматга эга эканлиги маълум бўлади.

Ахсикент халқаро илмий тадқиқот жамоат бирлашмаси илмий ходимлари мазкур йўлнинг қаердан ўтганлигини аниқлаш борасида изланишлар олиб бордилар. Бироқ, бошқа бирон бир манбада бу жой номига дуч келинмади. Масалага Исҳоқхон Ибратнинг “Туркистон вилоятининг газити”даги Ахсикент ҳақидаги мақолаларини тадқиқ этилганда ва “Бобурнома”нинг асл араб ёзувидаги ҳамда форс тилидаги матни кўздан кечирилгандагина аниқлик киритилди. Ушбу йўлнинг номи асл матнда “Банди Солор” эмас, “Бандсолур” - بند سالور шаклида битилган экан. Нашрга тайёрловчилар араб ёзувидан ўгиришда хатоликка йўл қўйганлар.

Қадимда Ахсикентдан Сирдарё кўприги орқали ўтилиб, сўл қирғоқ бўйлаб, ҳозирги Андижон вилоятидаги Балиқчи, Чинобод, Олтинкўл йўли билан Андижонга борилган. Бандсолур йўли Сирдарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб ўтган. Манзилларнинг номланишини аввало маҳаллий тилдаги сўзлардан излаш лозим. Натижада, Бандсолур сўзи айнан ўзбек тилидан олинганлиги маълум бўлди. Банд солиш, деганда, дарё, анҳор, сойлардан банд солиш йўли билан сув чиқариш тушунилади. Банд сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да жумладан шундай таъриф берилган: “**Банд** – тўсиқ, ғов, тўғон, банд солмоқ” [11:78]. Энди мазкур йўлнинг географик тузилишига эътибор қаратсак, масала янада ойдинлашади. ***Биринчидан***, Сирдарё шарқдан ғарбга қараб оқади. Дарёнинг шимол тарафи юқорилаб боради, жанубий тарафи эса нишаброқ ҳолатни акс эттиради. Бундай ҳолатда чап қирғоқдаги экин ерларини суғориш учун Сирдарёга банд солиш, яъни, кичик-кичик дамба-тўсиқлар орқали сувни ариқларга буриш йўли билан сув чиқариб, ерлар суғорилган. Бу мазкур ҳудудда сув омбори ёки тўғон қурилган, деган тушунчани бермайди. Ёки дарё суви тўлиқ тўхтатилган, деган маънони англатмайди. Аксинча, ўша ариқ ёки анҳор учун керакли миқдордаги сув тўсиб, ариқ томон бурилганлигини англатади холос. Шу боис ҳам бу йўл банд соладиган йўл, яъни “Бандсолур” йўли, деб аталган. ***Иккинчидан,*** Ахсидан Андижонга бориш учун,

Андижондан Ахсига келиш учун ҳам сўл қирғоқ масофа жиҳатидан яқин туради. Шу боис, Бобур Тошкентдан келаётганида Ахсига кириб отасининг мозорини тавоф қилганлигини, Ахсидин жума намози вақтида чиқиб, Бандсолур йўли орқали Андижонга шом ва хуфтон намозлари орасида етиб келганлигини, бу йўл тўққиз йиғочлик масофа эканлигини ёзган.

Бобурномада 1499-1500 йиллар воқеаларининг ёритилиши асносида яна бир карра Бандсолур йўли тилга олинган. Шу даврда Аҳмад Танбал Тошкент хони Султон Маҳмудхондан мадад сўраб кишилар юборган эди. Султон Маҳмудхон ўғли Султон Муҳаммад Хоникани (Султоним номи билан машҳур бўлган-Т.Қ.) бек аткаси Аҳмадбек билан биргаликда 5-6 минг кишилик қўшин билан Косонни қамал қилиш учун Аҳмад Танбалга ёрдамга юборди. Улар Косонни қамал қилганлигининг хабари келган пайтда, Бобур Андижонда эди.

“...Андижондин Бандсолур йўли била Султоним била Аҳмадбекнинг устига отландук. Кечаси ҳеч ерда турмай, тун қотиб сабоҳи Ахсига туштук...” [4:66]. Шундан кейинги воқеалар ривожида Бобур Косон ҳимояси учун зудлик билан отланиб, йўлга тушганлигини, Навкандга етиб келгач, бу ерда Танбал ҳақидаги маълумотларга эга бўлганлигини ёзган.

Лекин бу фурсатда Танбал яқин орадаги Архиён қалъасига кириб жойлашиб бўлган эди. “...Тонглағача фурсатни ғанимат тутуб, кечасига ҳеч ерда тушмай бориб, Архиён қўрғониға кирдилар. Эртасига ғанимнинг устига юруб, топмай, сўнгича келиб, Архиён қўрғонини ёвуқ қабамоқнинг салоҳин топмай, бир шаръисида Ғазнаи Намангонга тушулди. Ўттуз-қирқ кун биз бу юртта эдук. Танбал Архиён қўрғонида эди...” [4:67].

Навканд ҳозирги Косонсой шаҳри билан Янгиқўрғон шаҳарлари оралиғидаги қишлоқ бўлиб, бугун Навкент номи билан мавжуд.

Ундан кейин келадиган Архиён қалъаси эса, XX асрнинг 70-80 йилларида археолог ва ёзувчилар томонидан яратилган адабиётларда ҳозирги Тўрақўрғон тумани марказидаги Ғойибназар Қози мадрасаси ўрнида бўлган, деб янглиш-хато берилган [12:12].

Шунингдек, кейинги изланишлар Ахсикентнинг географик ўрни, “Бобурнома”да номлари зикр этилган манзиллар билан Ахси оралиғидаги масофалар ўлчови масалаларига ҳам янгича ёндашув зарурлигини тақозо этди. Қадимги Архиён қалъасининг ўрни ҳозирги қайси ҳудудга тўғри келишини аниқлаш учун тарихий ҳужжат ва асарларга мурожаат қилдик.

Фарғона водийси тарихи билан кўп йиллардан буён шуғулланаётган Рустам Умматов Архиённинг географик ўрни масаласида дастлабки фикр билдирган мутахассислардан ҳисобланади. Унинг мулоҳазасига кўра, Архиён ҳозирги Чортоқ туманига қарашли Ойқирон қишлоғи ўрнида бўлган, “Архиён” сўзи кейинчалик фонетик ўзгариш сабаб “Ойқирон”га айланган бўлиши мумкин [10].

Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда, тадқиқотларимизда манбалар асосида масканлар орасидаги масофаларни таҳлил қилган ҳолда ўргандик.

Бирламчи манба ҳисобланмиш Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида Архиён қалъаси Ахсидан беш йиғоч масофадаги йўл эканлиги ёзилган [7:187-190].

Агар бир йиғочни ўртача 8,5-9 км.га тенг деб олинганда, Ахсидан (яъни, Эски Ахсидан) Архиёнгача бўлган масофа 43,5 км.ни яъни, 5 йиғочни ташкил этади. Ахсидан (яъни, Эски Ахсидан) Тўрақўрғондаги Ғойибназар Қози мадрасасигача бўлган масофа эса, бир йиғочдан сал ошиқроқ - 14 кмни ташкил этади, холос. Шунингдек, Бобур Архиён қўрғони билан Намангон қишлоғи орасидаги масофани бир “шаръи”, эканлигини ёзади. Бизнинг тадқиқотларимизда бу масофа ўлчови 13 км.га тенг эканлиги аниқланди. Хусусан, Архиён (Ойқирон) билан Наманган орасидаги масофа ўлчанганда 12,8 км.ни, Бобур масофаси 2 шаръи эканлигини таъкидлаган Ахси (Эски Ахси) ва Санг қишлоғи орасидаги масофа эса, 26 км ни ташкил этди. Бу эса ўз ўрнида 1 шаръи 13 км.га тенг эканлигини кўрсатиб турибди [2:2; 3; 4; 5; 6.]. Яна таъкидлаш жоизки, баъзи муаллифлар “Бобурнома”даги маълумотларга зид равишда Архиён бу Тўрақўрғондир, 1 шаръи масофа эса 2-2,5 км.га тенгдир, даъвосини қилдилар. У ҳолда нега Тўрақўрғондан Наманган шаҳри марказигача бўлган масофа уларнинг ўлчовлари бўйича 2 ёки 2,5 км. эмас, 20 км.ни ташкил қилади? Бу ҳам тахмин билан тарих ёзишнинг натижасидан ўзга нарса эмаслигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза, Бобур масофаси 2 шаръи, деган Ахси қўрғони (Эски Ахси) билан Санг қишлоғи ораси ҳам улар даъвоси бўйича 4 ёки 5 км.дан иборат бўлиши керак эди. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади.

Шунингдек, тарихий манбаларда Навканд, Архиён, Наманган бир-бирига яқин масофалар сифатида кўрсатиб ўтилган. Агар Архиён Тўрақўрғон ҳудудида бўлган, деб ҳисобланса, у ҳолда бу фикр Бобурномадаги масофалар ҳисобига мутлақо мос тушмаслиги аниқ бўлиб қолади.

Шу ўринда Бобур “Ғазнаи Намангонга тушулди”, деб ёзмоқда. Бу ҳолатда “тушулди” иборасига эътибор қаратилса, Навканд ва Архиён қалъаси Наманганга нисбатан юқорида жойлашганлиги маълум бўлади.

Архиённинг ҳозирги ўрнини, бугунги кундаги номланишини аниқлаш мақсадида тарихий-илмий адабиётлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган “Ёрлиқлар тўплами”да XVI-XVII асрларда шайбоний ва аштархоний ҳукмдорлари томонидан Ахсикент ҳокимларига берилган ёрлиқлар, фармонларда ҳам Архиён номи кўп ўринларда тилга олинган.

Марҳум тарихчи олим Абдуллажон Жувонмардиевнинг “XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир” номли асарида Архиён, унга туташ бўлган Навканд, Короскон, Адак, Говхона, Қизилрабод қишлоқлари, Чортоқ шаҳрининг шимолида Чортоқсойдан олинадиган Кушонариқ хусусидаги бир талай тарихий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Улардан маълум бўлишича, Архиён айнан ҳозирги Чортоқ ва Уйчи туманлари оралиғида жойлашган қалъа бўлган. Ахсикент ҳокимларининг ер-сув масалаларига оид фармон ёки ёрлиқларидан юқорида тилга олинган аҳоли масканларининг бир-бирига туташ масканда жойлашганлиги, ўзаро боғлиқ жиҳатлари инобатга олинганлиги кўриниб турибди. Масалан, 974 ҳижрий (милодий 1566 йил) санадаги ёрлиқда: “Архиён мавзеининг арбоб ва калонторлари, хусусан Адак ва Қизилрабод мазраъсининг баротдорлари билингларки....”, деб мурожаат қилинган бўлса, 1053 ҳижрий (милодий 1643 йил) санада Абулғози Баҳром султон Баҳодир томонидан берилган ёрлиқда эса: “Ахсикент вилоятининг улуғ саййидлари, азиз шайхлари, Ислом қозилари ва ҳурматға сазовор ҳокимлар ва асллар, аъён ва арбоби, калонтарлари ва кадхудолари билсунларки, Садайи Архиёндан тортиб то Короскон мавзеъи, Қизилрабод, Говхона ва Адак экин майдонлари қадимдан олий жаноб, саййидлар паноҳи, саодатлик саййид Фазлуллоға тааллуқ бўлғон. ...Биз ҳам ўша дастур билан (ўша ерларни унга) марҳамат қилдуқ” [3:89; 120], деб кўрсатмалар берилган.

Архиённинг жойлашган ўрнини янада аниқлаштириш учун тарихий ҳужжатларда номлари келтириб ўтилган масканларнинг, сув иншоотларининг ҳозирги ўрни қаерда жойлашганлигига эътибор бериш керак. Адак қишлоғи ҳозирги Уйчи туманининг Қизилрабод қишлоғи билан Норин дарёси оралиғида жойлашган бўлиб, бир томони жарлик билан ўралган аҳоли маскани бўлган. Говхона ҳозирги Уйчи туманидаги қишлоқ бўлиб, ҳозир ҳам мавжуд. Короскон Чортоқ туманидаги қишлоқ. Навканд ҳам шу ном билан аталувчи Янгиқўрғон туманидаги қишлоқ. Зарбоб ариғи орқали Норин дарёсидан олинган сув тўғри Адак қишлоғига олиб келинган [3:165.]. Демак, XV-XVII асрларда Архиён, Навканд, Короскон, Говхона, Қизилробод, Адак аҳоли масканлари ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлганлиги боис, ягона маъмурий бирлик ҳисобланган.

Шу боис, Архиённинг қадимий ўрни Тўрақўрғон эмас, балки, ҳозирги Чортоқ ва Уйчи шаҳарлари орасида бўлганлиги айни тарихий ҳақиқатдир. Чунки, тарихий ҳужжатларда Архиён номи битилганда Тўрақўрғон атрофидаги бironта маскан номи тилга олинмаган. Шунингдек, Ахсидан Архиёнгача бўлган масофа ҳам айнан ҳозирги Чортоқ тумани аниқроғи, Ойқирон қишлоғи ўрнига тўғри келмоқда.

Бу масалада “Бобурнома”га мурожаат қилинса, масала янада ойдинлашади: “....Ушбу аснода Косондин таҳқиқ хабар келдиким, хон Танбалнинг кўмагига ўғли Султон Муҳаммад Хониканиким, Султонимға машҳур эди, Аҳмадбек била тайин қилиб, беш-олти минг черик қўшубтур. Арчакент йўли била ошиб келиб, Косонни қабадилар. .....Танбал бизнинг отланғонимизни билиб, оғасиға кўмак илғаб келадур экандур. Кун икки намоз ораси бўлғай эдиким, Танбалнинг қароси Навканд соридин пайдо бўлди. .....Тонглағача фурсатни ғанимат тутуб, кечасига ҳеч ерда тушмай бориб, Архиён қўрғониға кирдилар... бир шаръисида Ғазнаи Намангонга тушулди. Ўттуз-қирқ кун биз бу юртта эдук. Танбал Архиён қўрғонида эди”[4:8].

Эътибор берилса, Аҳмад Танбал Архиён қўрғонида 5-6 минглик қўшин билан 30-40 кун яшайди. Ваҳоланки, ҳудуди 30 сотих ҳам келмайдиган Тўрақўрғондаги Ғойибназар қози мадрасасига бундайин улкан қўшиннинг сиғмаслиги ойдек равшан.

Шу ўринда XX асрнинг 70-80 йилларидаги адабиётларда Архиённи Тўрақўрғонга нисбат берилишининг сабабларига ҳам тўхталиш жоиз кўринади. Маълумки, Исҳоқхон Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида Тўрақўрғон ҳақида қуйидагиларни: “...Бу Намангон атрофида бўлган қасаботлари ижмолан ёзмоқ лозим бўлди. Булардан Намангонни(нг) ғарбида бир бозорлик қасаба бу муаллиф ватани аслийсидурки, муни Дашти қипчоқ хонларидан Аҳмадхон, яъни Шиғайхон бино қилган экан. Ул вақт муаррихлари Аҳмадхон исмига қалъа қилиб, Қалъайи хон деб исм қўюб, бу лафз биносига таърих бўлган экан, 851 ҳижрийда бино бўлган экан. Аввали вақтларда биносидин то Русия давлатига ўтгунча, бул Намангонни мақарри ҳукумат пойтахти Тўрақўрғон бўлиб, эскилиги ва ҳам ҳаво жиҳатидин ислом ҳукуматдорлари бу ерни ўрда, қўрғонлар қилиб, аскари исломни(нг) ватан ва мақарри эди. Аммоки Тўрақўрғон деб машҳур бўлмоғи боний Шиғайхонни(нг) Яъқуб тўра ва Юсуф тўра деган икки ўғли. Бу қалъа хонга қўрғон қилган жиҳатдин Тўрақўрғон деб нисбат бўлган. Асл исми Қалъаи хондур, туркийси — Тўрақўрғон”, ёзган эди [5:326.]. Бундан XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Тўрақўрғон маълум муддат илгариги Ахси вилояти, яъни, Наманган вилоятининг маъмурий маркази мақомига ҳам эга бўлганлигини англаш қийин эмас. Буни Ибратнинг маълумотлари ва Қўқон хонларининг фармойишлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Қадимги даврда Ахси ёки Ахсикент вилояти, деб аталган ҳудуд, 1621 йилги зилзиладан кейин ҳам анча муддатгача шу ном билан атаб келинган. Жумладан, 1633, 1669, 1786 йиллардаги расмий ҳужатларда ҳудуд номи Ахсикент вилояти, 1758 йилдаги баъзи ва 1810 йилдан кейинги барча фармонларда мазкур минтақа Наманган вилояти, деб номланган. Шунингдек, Қўқон хонларининг расмий ҳужжатларида Қалъаихон-Тўрақўрғон ҳокимларига вилоят ҳокими даражасида

мурожаат қилгандек, фармойишлар берилиши, ушбу топшириқларда бевосита Архиёнга яқин ҳудуддаги Короскон саййидларига тааллуқли масалаларнинг кўрилиши ҳам тадқиқотчиларда “Қалъаихон-Тўрақўрғон-Архиён” битта манзил, деган янглиш тушунчани берган бўлиши мумкин.

Масалан, Қўқон хони Муҳаммадалихон томонидан 1245 йилнинг муҳаррам (1829 йил 3 июль-2 август оралиғи) ойида берилган фармонда жумладан: “...Абулмузаффар валмансур саййид Муҳаммадали ғозий баҳодирхон сўзимуз:

Айни замонда Наманган вилоятининг ва Қалъаихоннинг ҳокимлари ва амалдорлари, халқнинг акобир ва ашрофлари, ўрта ҳол деҳқон ва фуқаролар, аҳоли ва (у вилоятда) муқим турган ва келиб ўрнашган ер эгалари, барча мубоширлар ва мутлақ соҳиби дахллар воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки.....” [3:151.], сўзлар битилган эди.

XV аср охири XVI аср бошларидаги сиёсий воқеалар жараёнида Архиён қалъаси манбаларда кўп маротаба тилга олинган. Унутилиб кетган шаҳар ва қалъалар тарихий номларининг тикланиши билан бирга, кўплаб тарихий воқеаларга ҳам аниқлик киритилади.

XVI аср тарихчиси Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған “Мусаххир ал-билод” асарида Бобурни Шайбонийхондан енгилиб, Фарғона томонларга келганлиги ва кейинги воқеалар тафсилотини қуйидагича шарҳлаган эди: “...Самарқандни ташлаб чиққач, маврусий мамлакати Андижонга ошиқаркан, йўл асносида, Султон Аҳмад Танбалдан ажралиб чиққан укаси Жаҳонгир Мирзо Андижондан келиб, улуғ акаси қўлини ўпиш шарафига муяссар булди. Бобур Мирзо укаси ҳамроҳлигида Андижон яқинига етишгач, Султон Аҳмад Танбалнинг Бобур Мирзога қарши исён ва қўзголонни ҳаддан оширгани эшитилди, шу сабабли Бобур Мирзо шаҳарга киришни сира ҳам эп курмай, оти жиловини Тошкент томонга бурди. Султон Маҳмудхон ва Олачахон Бобурнинг тоғалари бўлгани учун жияни қадамига ҳасанот айтиб, эъзоз ва икром билан кутиб олдилар. Фароғатда дам олиши учун барча нарсани муҳайё қилиб, катта зиёфатларни ҳам бошлаб юбордилар. Бир неча кун утгач, Султон Маҳмудхон Андижон томон лашкар тортиб, ул мамлакатни Аҳмад Танбал қўлидан тортиб олиш ва жияни ихтиёрига топшириш учун ҳиммат кўрсатиб, шу қарорга кўра, Андижон устига юриш бошлаб, йўлга тушди.

Шу аснода жаҳон олувчи хоқон Муҳаммадхон Шайбоний эса жуда кўп аскар билан улар томонга қараб юраверди. Чунки, искандарсифат хоқон Шайбонийхон айрим ҳолларда Султон Маҳмудхон томонидан мухолифат ва қарама-қаршилик содир бўлиб, унинг ўзбек хонига чин ихлос ва садоқати йўқлигини билиб юрарди. Шунинг учун жаҳон олувчи хон катта қўшин билан ўша томонга юрди. Султон Маҳмудхон укаси Султон Аҳмадхон ва Бобур Мирзо Андижонни қайтариб олиш мақсадида сон-саноқсиз аскар тўплаб, бир неча

манзил ва масофани босиб ўтдилар. Йўл асносида эса жаҳон паноҳ хоқон ғалабага ёр қўшин билан уларга тўқнаш келиб, шу манзилдаёқ икки азим лашкар ўртасида уруш олови қизиб кетди. Мўғуллар орасида “хон” лақаби билан танилган Султон Маҳмудхон ва “Олача хон” номи билан машҳур бўлган Султон Аҳмадхон, Худо тақдирича, зафар дастгоҳли қўшин аскарлари қўлига тушиб, асир ва банди бўлдилар. Бобур Мирзо эса фурсатни ғанимат билиб, минг азобда юзини қочиш водийси сари ўтирди ва ўша заҳотиёқ оти жиловини Муғулистон вилоятлари томон бурди. Бир амаллаб Ҳисори Шодмон йўли билан ўзини Кобулга еткарди” [8:90.].

Умуман Шайбонийхоннинг Фарғона водийсини қандай эгаллаганлиги, Бобур Самарқандни сулҳ билан ташлаб чиқиб кетганидан кейинги сиёсий жараёнлар, шаҳарларда кимлар ҳокимлик қилганлиги, Шайбонийхоннинг Фарғонага биринчи ва иккинчи юришларининг сабаблари ҳақидаги маълумотлар “Таворихи гузида нусратнома” асарида мукаммал берилган [9:956.].

Архиён жанги 908 ҳижрий сананинг Зулқаъда ойида (28 апрель-28 май 1503 йил) бўлиб ўтди [1:56.].

Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Шайбонийхон билан 1503 йил Архиёнда бўлиб ўтган сўнгги жанги хусусида Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида ҳам нисбатан кенгроқ маълумотлар берилган.

Ушбу жанг учун сабаб, қуйидаги воқеалардан бошланган эди. Маълумки, 1499-1500 йилларда Аҳмад Танбал Султон Маҳмудхонга мулозимлик қилиб, унинг хизматига кирган бўлса, 1502-1503 йилларга келиб эса, Шайбонийхон хизматига кирди. 1503 йил Андижонда Аҳмад Танбал Шайбонийхон номини хутбага қўшиб ўқитиб, хиёнат йўлига ўтган эди. Унга қарши юриш ва Фарғонани қайта қўлга киритиш учун Султон Маҳмудхон Тошкентдан Ахси ва Андижон сари йўлга чиқади. Шайбонийхон ҳам Самарқанддан йўлга чиқиб, Хўжанд, Ўратепа, Шоҳрухияни эгаллаб, Аҳмад Танбалнинг ҳимояси учун Ахси ва Андижон томонга отланади. Бу даврда ўзига “имом уз-замон ҳалифат ур-раҳмон” унвонини олган Шайбонийхон навбатдаги юришини Фарғона водийси ва Мўғулистон томон йўналтирган эди. Мўғулистонда эса, Юнусхонинг кичик ўғли Султон Аҳмадхон-Олачахон ҳукмронлик қилар эди [7:187; 190.].

Бунгача Шайбонийхон Султон Маҳмудхонга қарашли 5000 кишилик қўшин билан ҳимоя қилинаётган Ўратепа қалъасига 3 марта ҳужум уюштирди. Шу боис, қалъанинг мустаҳкамлиги ва қўшин сонининг кўплигига ишониб, Султон Маҳмудхон Фарғона сари хотиржам юриш бошлайди:

“Андижонни не учун олмосбиз,
Ҳокимиға не учун ўт солмосбиз.

Ўз атомизнинг иторчисидур ул,
Атоси бизга эрур бойри мўғул....

Андижон мулкини биз олурбиз,
Бекининг жониға ўт солурбиз”.

Андижон сори ҳужум айлодилар,
Эл-улус бори ҳужум айлодилар.

Еттилар Ахси деган қўрғонга,
Кирмади Ахси ики ул хонга.

Ошлиғини едуриб ўтдилар,
Андижоннинг йўлини тутдилар.

Андижон бирла басе Ахси аро,
Архиён отлиғ эди бир маъво.

Етиб ул ерга нузул айлодилар,
Шаҳриға азму духул айлодилар [7:181.].

Султон Маҳмудхон ва Олачахонлар Шайбонийхоннинг Андижон сари юришини эшитиб, унга сулҳ тузиш учун элчи юборадилар. Хонлар Шайбонийхон таклиф этилаётган сулҳ шартларига рози бўлиб, Самарқандга қайтади, деб тахмин қилишган эди. Бироқ, Шайбонийхон, Аҳмад Танбал унинг номини хутбага қўшиб ўқитиб, унга содиқ навкарга айланганлигини, шу боис ҳам уни ҳимоя қилиш учун отланганлигини изҳор қилиб, сулҳни қабул қилмайди.

Шундан кейин Шайбонийхон юборган ҳуфялар Шоҳруҳия қалъасида қўлга тушган асирларни хонга топширадилар. Асирлардан олинган маълумотларга кўра, Султон Маҳмудхон, нуфузли вазирларидан Аҳмадбек бошлиқ кичикроқ бўлинмани Шоҳруҳия қалъасида қолдириб, қолган қўшини билан Ахси ва Андижон томонга отланган эди.

Ўз ўрнида Шайбонийхон ҳам Хўжанд қалъасида оғир юклар ва ортиқча отларни қолдирган ҳолда, Конибодом, Насуҳ, Ҳўқани ўрчин томон йўлга тушади. Шайбонийхон ўз элчисини Андижонга Аҳмад Танбал ҳузурига юбориб, шахсан ўзи унинг ҳимояси учун катта қўшин билан кетаётганлигини билдиради. Аҳмад Танбал номидан элчи бўлиб келган унинг туғишган иниси Бек Телба бу

даврда Марғилонда ҳокимлик қилар эди. У Шайбонийхонга ғаним қўшинининг аҳволи ва жойлашган ўрни ҳақида маълумотларни беради. Унинг сўзлари ҳамда Ахси маъмурларининг билдиришларидан Султон Аҳмадхон ва Султон Маҳмудхонлар катта қўшин билан Архиёнда эканликлари маълум бўлади:

Деди: “Ахсидин ўзиб икки хон,
Ахси элини бузуб икки хон.

Архиё шаҳрида сокиндурлар,
Ул маҳалда мутаваттиндурлар.....

Юрингиз Ахси тўшидин ўтоли,
Кўнглимузни ин этиб совутоли.

Кемалар бордур андо тайёр,
Сол учун бор қамиш ҳам бисёр”.

Хон бу сўз бирла равон азм этди,
Сирдин ўтмакни равон жазм этди.....

Бор эди тўрт кема ул тўшто,
Ҳар бир ўн қотнади бўлғой туш то.

Бўлғуча рост номози пешин,
Ўттилар борча саодатга қарин.....

Сув эли сув аро кўргач хонни,
Ўз ичин аро тилаб аённи....

Қадами етди бизнинг манзилға,
Кемаси еткувчи бу соҳилға....

Кемасини чекубон манзилга,
Етди ул Ахси деган манзилға....

Хоника лашкари ўлтургон ер,
Алачахон ҳам ўзи тургон ер.

Беш ёғоч йўлдур бу манзилдин,

Гар хабар бормаса бул маҳфилдин.

Қочмаса Хоника била Алача,
Қилибон беклари била кулча,

Сиз ўшул ерда босарсиз они,
Қўлингизга тушар ўлғой хони [7:187; 190.].

Бундан маълум бўладики, Архиён ўз даврида стратегик жиҳатдан аҳамиятли шаҳар ёки қалъа бўлган. 1499-1500 йиллардаги ҳарбий-сиёсий воқеалар жараёнида Аҳмад Танбал ва Бобур кучларининг айнан Архиёнда тўқнашиши ҳам тасодифий эмас эди. Эътиборли жиҳати тарихий манбалардан Ахсикентга Ғарб томондан, хусусан Хўжанд ва Тошкентдан йўл дарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб келганлигининг маълум бўлишидир. Асарда Шайбонийхон қўшини дарёнинг сўл қирғоғи билан келиб, Ахси тарафига дарёдан сузиб ўтганлиги айтилмоқда. Умуман, Ахсидан ғарб томонга йўл айнан дарёнинг сўл томони бўйлаб ўтганлиги кўплаб манбалардан маълум. Бугунги кунда айрим муаллифларнинг янглиш, асоссиз тарзда бу йўлнинг дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ўтганлиги ҳақидаги билдираётган фикрлари ҳам нотўғридир. Бу ҳақда бирон бир манбада асос йўқ. Аксинча, ҳозирги Тўрақўрғон-Чуст-Санг-Поп йўли XX асрнинг 50-йилларида қурилган эди. Шу боис, савдо-иқтисодий ва дипломатик йўл ҳар жиҳатдан қулай бўлган дарё жанубий қирғоғи бўйлаб ўтган эди. Баъзи мақолаларда учраб турган Ахси қишлоғи-Резаксой-Санг йўли умуман бўлмаганлиги тарихдан маълум. Чунки, Исҳоқхон Ибрат тадқиқотларидан маълумки, мазкур Ахси ва Резаксой қишлоқлари Ахси зилзиласидан қарийб юз йил кейин ташкил топган. Шунингдек, “Бобурнома”да тасвирланган “Гумбази Чаман” маконини ҳам айнан Сирдарёнинг сўл қирғоғидан излаш лозим.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг Архиён жангида қўшинлар нисбати ҳақида етказган ахборотлари Муҳаммад Солиҳ берган маълумотлардан фарқ қилади. Жумладан: “...Бу хонларда (яъни, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон-Т.Қ.) ўн беш минг ҳамроҳ бор эрди”, деб ёзиб, Бобурни ўзларига ҳамроҳ қилиб олишларидан кўзланган мақсад эса, унга ота мерос тахтни Султон Аҳмад Танбалдан қайтариб бериш учун эканлигини ёзади. Шу билан бирга, бу юришда “...Шоҳибекхон ўттиз минг қўшин бирла етиб келди. ...Вақтеки, мухолифларнинг лашкари тўла учун хонларға шикастлик етиб эди” [6:225.], дейди. Яъни, душман лашкари ичида кўплаб тажрибали лашкарбошилар бўлгани ва қўшин сони хонларникидан анча кўплиги боис ҳам хонлар енгилганлигини изоҳламоқчи бўлган.

Бироқ, “Шайбонийнома”да эса, Архиёнда тўпланган Олачахонннинг бирлашган қўшини 10 минг мўғул ва 10 минг қалмоқ аскарларидан иборат бўлиб, шунингдек, яна Хоникахоннинг ҳам 10 минглик аскари ва Бобур мирзонинг 1000 нафарга яқин навкари ҳозир бўлганлигининг маълумоти берилган.

Муҳаммад Солиҳ муғул қўшини таркибини қалмоқ, мўғул, хўтанлик, оқсулик, Иссиққўл атрофларидан келганлар, турфонликлардан иборат эканлиги ёзади. Шайбонийхон, яъни, ўзбеклар қўшини: Қиёт, Қўнғирот, Бурқут, Манғит, Найман, Дўрмон, Ўшун, Жалойир, Қарлуқ, Қўшчи, Сулдуз, Нукуз, Тотор, Тома, Уйрот, Ўрис ва бошқа қабилалардан ташкил топган эди. Шайбонийхон қўшинининг ўнг қанотини Дўрмон уруғидан бўлган Жонвафобий бошқаради, чап қанотини эса Найман уруғидан бўлган Қанбарбий бошқаради [7:197; 200.].

Шайбонийхон билан хонлар ўртасидаги жанг Архиён ёнида бўлиб ўтади. Бу жангда Султон Маҳмудхон ва унинг иттифоқчилари енгилади. Хонлар асир олиниб, Шайбонийхон ҳузурига олиб келинади. Бобур мирзо эса Фарғонанинг жануб томонларига қараб чекинади. Асирга тушган хонларни сарой аҳли бир овоздан қатл қилишни лозим деб топадилар. Лекин, Шайбонийхон: “Ул икки биродарнинг бизнинг ҳаққимизда эски(дан) қилган яхшиликлари бор. (Шунинг учун ҳам) уларни афв этиб, эъзозу икром билан (асирликдан) бўшатиб юбормоғимиз муносиб кўрилади”, дейди. “...Шунга кўра, у икки саодатнишон хонни (яқин) кишилари, ходимлари, қуллари билан подшоҳона қурол-яроғ, хусравона совғалар бериб, ўз ватанларига жўнатди”. Хон мағлубларга мурувват кўрсатиб, озод қилган ҳолда, ўз ватанларига шоҳона иззат-икром билан кузатиб қўяди. Бу воқеага бағишлаб Камолиддин Биноий қуйидаги рубоийни ёзган эди:

Ул хонки тариқи караму эҳсондур,
Шоҳлар бори чашму, жисм аро жондур.
Гар мурувват этиб бағишлади хонларни
Андин чи ажаб халифатурраҳмондир.

Йўқдур, сендек аршад қувватли хон.
Ҳам пок этак билан футувватли хон.
Хонларни олиб бағишлади мурувват,
Ким кўрди сенинг каби мурувватли хон [15:74.].

“Тарихи Рашидий”да Арихиён жангида асир тушган муғуллардан ихтиёрий равишда Шайбоийхон қўшини сафига келиб қўшилганлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган: “...Анчаки муғул халқидин бор эди, хондин ёниб, уч мингга яқин муғуллар ўзбек лашкарига бориб қўшилди” [6:234.].

Шу ўринда Шайбонийхон ушбу яхшиликлари учун хонлар олдига қуйидаги уч талабни қўйди: Биринчиси, Султон Маҳмудхоннинг синглиси Давлат султонхонимни Темурхонга, Ойша султонхоним (Мўғулхоним-Т.Қ.) исмли қизини Шайбонийхон ўзи учун, Қутлуғхоним исмли қизини эса Жонибек султонга хотинликка сўрайди.

Жонибек Султон ва Қутлуғхоним ўртасидаги никоҳдан кейинчалик Бухорода хонлик қилган Искандар султон исмли фарзанд, ундан эса шайбонийлар сулоласининг машҳур вакили Иккинчи Абдуллахон дунёга келди [15:74.].

Гарчи, Бобур Мирзо Шайбонийхон билан жанг қилиб, тажрибага эришган, матонатли саркарда бўлса-да, аммо, Архиён жангида қўшин бошлиғи тоғаси Султон Маҳмудхон эди. У тоғасини баъзи ўринларда ҳарбий соҳадан анча йироқлигини таъкидлаб, “Султон Маҳмудхон уруш кишиси эмас эди. Сипоҳийликдан бисёр орий эди..... Хоннинг бу юруши бефойдароқ юруш эди”, каби сўзлар билан таърифлаб ҳам ўтади.

Ушбу жангдан сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур 20 ёшида бутунлай Фарғонани тарк этишга мажбур бўлди. Архиён муҳорабаси Бобурнинг водийда ғанимлари билан ўтказган сўнгги жанги сифатида тарихга кирди. Шундан сўнг Фарғонанинг жанубий ҳудудларидан Исфарада ўтказган бир йилга яқин вақтни Бобур мирзо шундай тасвирлаган эди: “Исфара вилояти тўрт бўлук кўҳпоядур: бир Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сўх, яна бир Ҳушёр. Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонға шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўткариб (яъни, 1504-1505 йилларда-Т.Қ.), Кобул азимати қилдим.... Муҳаррам ойида Фарғона вилоятидин Хуросон азимати била Илок яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқлардиндур, келиб туштум..... Улуғ-кичик мени умидворлик била ирашиб юруйдурганлар икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди. Аксар яёқ ва иликларида таёқ ва оёқларида чоруқ ва эгинларида чопон эрди. Усрат бу мартабада эдиким, бизнинг орада икки чодир эди, Менинг чодирим волидамға тикилур эди. Манга ҳар юртга ола чўқ ясар эдилар, олачўқда ўлтурур эдим...” [4:7; 109.].

Архиёндаги бўлиб ўтган жанг тафсилоти, сабаб ва натижалари хусусида тарихчи Хондамир қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган эди: “...Бобур подшоҳ Самарқандни Шайбонийхонга ташлаб чиққандан сўнг ўзининг меросий мамлакатини қайта қўлга кирита олмади ва Тошкентга кетишга мажбур бўлди. Шундан сунг Султон Маҳмудхон эл орасида Олачахон номи билан танилган ўз укаси Султон Аҳмадхон билан биргаликда Андижон томонга қўшин тортиб, ул мамлакатни Султон Аҳмад Танбалдан тортиб олиб, жаҳон бўйсунувчи подшоҳ қўлига топшириш ва бу юришни қувват доирасидан амал сари келтиришга қарор

қилиб, 906 йили катта қўшин билан ўша томон равона бўлди. Аммо Андижонга етмасдан бурун ва қўлини мақсад келинчагининг бўйнига ташламасдан олдин Шайбонийхон ёмғир томчилари сонича қўшин билан ўша манзилга келиб қолди ва шу ерда аскарлар тўқнашуви юз бериб, жуда қаттиқ жанг бўлди. Тақдир тақозоси билан Хоникахон ва Олачахон ўзбеклар қўлига асир тушдилар, жаҳон аҳли подшоҳи Бобур Мирзо эса учқур оти жиловини Муғулистон томонлардаги шаҳарлар сари бурди”[14:1023.].

Шундан сўнг Бобур мирзо бобоси Абу Саъид мирзо аввалида ўғли Умаршайх мирзога тайин этган Кобул вилоятига қараб йўл олди.

Бу ўринда Хондамир ва Муҳаммадёр ибн Араб Қатағанлар жангдан сўнг Бобур Мирзонинг Мўғулистонга кетишни лозим топганлигини ёзадилар. Аслида Муғулистонга кетиш фикри Бобурда аввалги тушкунлик ҳолатларда ҳам пайдо бўлганлигини “Бобурнома”да баён этган эди: “...Охир мундоқ саргардонликтин ва бу навъ бехонумонликтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб итсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча, оёғим етганча кетсам яхши. Хитойға бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим. Кичикликдин бери Хитой сариға ҳавасим бор эди. Вале салтанат ва алойиқ жиҳатидин муяссар бўлмас эди” [4:92.]. Шу боис, воқеалар жараёнини маълум қилган тарихчиларнинг фикрлари бежиз эмас эди. Балки шу кунларда Бобурнинг Муғулистон орқали Хитойга кетиш ниятида бўлганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасдир.

Аммо, муаррихлар таъкидлаганларидек, Бобурнинг Муғулистон сари юзланганлигидан хабар топган Шайбонийхон унинг йўлига соқчилар қўйганлиги маълум бўлади: “...Исломпаноҳ Бобур подшоҳ Шайбонийхоннинг Султон Маҳмудхон ва Олачахон билан бўлган уруши майдонидан кутулиб чиқиб, оти жиловини Мўғулистон томон бургач ва бир-икки кунни йўл юриш билан ўтказгач “душмандан бир гуруҳи подшоҳ йўлида жойлашган довон оғзини беркитгани ва келаётганлар устига ташланиш ниятида жасурлик оёғини қаттиқ тираб, тиришқоқлик қиличини яланғочлаганлари” маълум бўлди. Шунга биноан ҳазрати подшоҳ ул йўлдан юришдан воз кечишни маъқул билиб, бошқаларга унчалик таниш бўлмаган йўл орқали Ҳисори Шодмон томонга шошилди. У ердан эса йўналиш жиловини мадинат ур-рижол Термиз тарафга қаратди”[13:167.].

Воқеаларнинг кейинги ривожидан шу нарса маълум бўлдики, темурий шаҳзода қатъий равишда йўналишни Хуросон томон ўзгартириб, Термиз сари йўл олди: “Тарих тўққуз юз ўнда Аму дарёси ёқасида Боқи Чағониёний манга келиб мулозамат қилди. ...Қабодёнға етганда Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийким, Чағониён ва Шаҳрисафо ва Тирмиз анда эди. Хатиб Қаршийни

йибориб, давлатхоҳлиқ изҳори қилиб, бизга қўшулмоқ бўлди. Аму суйини Уёч гузаридин ўтганда келиб мулозамат қилди” [4:27; 110].

Архиён жанги тарихимиз учун аламли ва айни пайтда аҳамиятли натижаларни берди. Бобур учун бир умрлик армонларга сабаб бўлди, у ўз ватанини бутунлай тарк этди. Шу билан бирга ўзга юртларда улкан салтанатга асос солди. Жўжи ҳамда Чиғатой улуси хонлари ўртасидаги имзоланган сулҳга мувофиқ пайдо бўлган никоҳдан эса, кейинчалик бутун Ўрта Осиёни қайтадан Бухоро хонлиги тасарруфига киритган, илм-фан ҳомийси машҳур Абдуллахони Соний (Абдуллахон II) дунёга келди.

Юртимизда қадимда машҳур бўлиб, бугун ўрни аниқланмаган шаҳар ва кентлар хусусида тадқиқотлар ўтказиш ҳам долзарб вазифалардандир.

Масалан, қадимги Косон (Муғқалъа ва Муғтепа), қадимги Поп (Мунчоқтепа), Шоҳрухия ва бошқа айрим шаҳарларнинг нима сабабдан вайрон бўлганлиги ҳали-ҳануз ўрганилмаган. Ахсикент шаҳрининг вайрон бўлиш сабабларини эса, ҳозирда ҳам асоссиз тарзда баъзи тадқиқотчилар “мўғул босқини” билан боғлаб келмоқдалар. Бизнинг томонимиздан чоп этилган мақола ва ахборот воситалари орқали бирламчи манбаларга таянган ҳолда билдирган илмий хулосаларимизга қарамасдан, яна ўша қотиб қолган ақидалару, тахминларга таянган ҳолда фикр билдиришларни давом эттирмоқдалар. Бу хусусда *Цицерон: “*Барча соҳада адашиш мумкин, бироқ, ўз хатоларини сезган ҳолда ҳам қатъий туриб олиш, гумроҳликдир”, деган эди.

Бугун тарихимизни бирламчи манбалар асосида ўрганиш, ҳаққоний тарихимизни яратиш борасида кенг имкониятлар очиб берилди. Шу боис, тахминларга таяниб ватан тарихини ёзишга уриниш илм-фанга хиёнатдир. Ўтган асрда Ўзбекистон тарихини дарслар жадвалига киритиш биз учун орзу бўлган эди. Бугун шундай имкониятлар яратилган бир пайтда яна ўз билганича иш тутиш ўзини зиёли, деб билган киши учун ярашмайдиган ҳолдир. Халқимиз биздан ҳақли равишда ҳаққоний тарихимиз ҳақида сўрайди. Шунга муносиб бўлайлик. “Шуни билгилки, хатоларда бардавом бўлишдан кўра, фикрингни ўзгартириб, хатоларингни кўрсатиб берганлар ортидан эргашиш, сени кўпроқ эркин-у, озод қилади”, деган эди *Марк Аврелий.*

Ўзини ватан тарихчиси, деб билган ҳар бир мозийшунос ҳар қачон халқи олдида ўзини бир умр қарздор, деб ҳисоблайди. Архиён қалъаси тарихига боғлиқ жиҳатлар ёритиб ўтилган, ҳали тадқиқ этилмаган, чоп этилмаган, халқимизга тўлалигича етказилмаган асарларимиз талайгина. Масалан, “Таворихи гузида нусратнома”, “Тарихи Шайбоний”, “Тарихи Султони Ўзбакия”, “Тарихи Муҳий”, Мулло Шодининг “Фатҳнома”, Абулфазл Алламийнинг “Акбарнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” ва бошқаларни тадқиқ этиб, илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиш ҳам муҳим ишлар сирасидадир. Юқоридаги

каби асарларни синчиклаб ўрганган ҳолда тадқиқ этиш ва илм аҳлига етказиш, бизнинг олдимизда турган масъулиятли ва савобли вазифалардандир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Азимджанова С. К истории Ферганы второй половины XV в.-Ташкент: Издательство академии наук Узбекской ССР, 1957.-С.56.

2. Ахсикент халқаро илмий тадқиқот жамоат бирлашмаси архив фонди. II Фонд, 37-иш, 2,3,4,5,6 бетлар.

3. Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир.-Тошкент: Фан, 1965.-Б.89, 120.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.27,110.

5. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. (“Мерос” туркуми.).-Тошкент: Камалак, 1991.-Б.326.

6. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий.-Тошкент: Ўзбекистон, 2011.-Б.225.

7. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома.-Тошкент: Адабиёт ва Санъат нашриёти. 1989.- Б.187-190.

8. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-Б.90.

9. Таварихи гузида - нусратнаме (Исследование, критический текст аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филологический наук А. М. Акрамова).-Ташкент: Фан, 1967.-956 б.

10. Умматов Р. Ахсикент: замонлар оша назар //Наманган ҳақиқати, 2016.-11 июнь.

11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981.-Б.78.

12. Қосимов Й. Наманган тарихидан лавҳалар (1917 йилгача). Тошкент: Фан, 1990-Б.12.

13. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати (“Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар” - “Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст” китобининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблари).-Тошкент: Шарқ, 2011.-Б. 167.

14. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. “Хабиб ус-сийар фи ахбори афроди ба шар” (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст”).-Тошкент: Ўзбекистон, 2013.-Б.1023.

15. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб.-Тошкент: Шарқ, 1999.-Б.74.

16. بابرنامه - Bombay: Cheetra Prabha Press, 1890.-4 ص.

17. قزان اونیویرستیتینینگ طبغخانهسی ۱۸۵۶ یال ۶. ص.– بابرنامه
18. ترکستان ولایتی نینگ کزیتی٤٨ نچی نومر۱۹۱۳یلده ۲۳نچی ایونده Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Ахси шаҳрининг тарихи (Исхакъ Ханъ тюря Джунайдуллаевъ. История древнего города Ахсы в Ферганской области) //Туркистон вилоятининг газети, №48.-1913.-23 июнь.